



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 16 март, № 52 (5726)

Шанба

СПОРТ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА САМАРАЛИ ОМИЛИДИР



Президент Ислон Каримов раислигида 15 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш Ватанимиз келажагини таъминлаш ва барча эзгу мақсадларимизни рўйбга чиқаришнинг муҳим омилидир. Бу олижаноб мақсад йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш каби йўналишлардаги изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Фарзандларимизни юксак билимли ва заковатли, жисмонан бакуват инсонлар этиб камолга етказишнинг бош омили — болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар спортини мамлакатимиз таълим-

тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан мутаносиб равишда изчил ривожлантирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини комплекс ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов маъруза қилди. Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғарма фаолият кўрсатаётга-

нига ўн йил тўлганини қайд этиб, ўтган даврда бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишлар, уларнинг аҳамияти ва амалий натижалари хусусида атрафлича фикр юритди. Йиғилишда болалар спортини объектларини тасдиқланган нормативларга мувофиқ зарур спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда амалга оширилётган изчил чора-тадбирлар натижасида фойдаланишга топширилаётган болалар спортини объектлари, авваламбор, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланди ва қайта жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 114 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани соҳадаги муҳим натижалардан бири сифатида эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЪРУЗАСИ

Ҳурматли Ҳомийлик кенгаши аъзолари ва мажлис қатнашчилари! Бугунги йиғилишимиз кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишдан олдин мамлакатимизда 2002 йил октябрь ойида Ўзбекистон Президентининг Фармони билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг иш бошлаганига 10 йил тўлганини эслатиб ўтишни истардим. Шу муносабат билан Жамғарманинг ана шу ўтган даврдаги фаолияти натижаларини қисқача сарҳисоб қилсак, айни муддао бўлади, деб ўйлайман. Шу борада барчамиз учун эзгу мақсадимизга айланган қолган вазифа — яъни “Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш — келажаги буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгаллаш демакдир” деган широри эслашимиз ўринли бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Жамғармани ташкил этишда биз соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини том маънода оммавий, умумхалқ ҳаракати айлантиришдек олижаноб мақсадларни ўз олдимиизга қўйганимизни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси ота-онанинг ордуси бўлган, яъни ўз фарзандларининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашни энг устувор, энг олий мақсад, деб билган мамлакат ва халқгина юксак тараққиётга эриша олади. Мухтасар айтганда, биз болалар спортини таълим-тарбия жараёни билан мутаносиб равишда изчил ривожлантиришни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйдик ва бу йўлда кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқдамиз. Жамғарма фаолиятида асосий эътибор болалар спортини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш, умумтаълим мактабларида замонавий болалар спорт комплекслари тармогини барпо этиш, уларни замонавий

спорт ускуна ва инвентарлари билан жиҳозлаш, шунингдек, бу иншоотлардан самарали фойдаланишга кўмаклашиш масалаларига қаратилгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. **Ўтган охириги 10 йил давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1113 та болалар спортини объекти, жумладан, 252 та янги спорт комплекси, 861 спорт зали барпо этилган, буларнинг 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилганини таъкидлаш лозим.** Бундан ташқари, фаолият кўрсатаётган 262 та спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Бу мақсадлар учун 570 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Биргина ўтган йилда 92 та болалар спортини объекти ва 16 та сузиш ҳавзаси қурилди ва реконструкция қилинди. Айтиш жоизки, юқорида келтирилган рақамлар фақатгина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ишларни ифода этади. Мамлакатимиз бўйича умуман бугун мавжуд бўлган спорт объектилари ҳақида гапирганда куйидаги кўрсаткичларни эътиборга олиш зарур. Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг сони 9600 тани ташкил этадиган бўлса, уларнинг 81 фоизи янгитдан қурилган ва реконструкция қилинган спорт заллари га эга. 1549 та коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан 100 фоиз таъминланган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фойдаланишга топширилган янги спорт иншоотларининг мисолида Ўзбекистон давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан махсус ишлаб чиқилган замонавий намунали лойиҳалар асосида барпо этилди ва жиҳозланди. Болалар спортини объектлари, авваламбор, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган анжомлар билан жиҳозланди ва қайта жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 114 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани ўтган даврда бу борада ҳам

жиддий қадамлар қўйилганидан далолат беради. Айни вақтда спорт объектиларидан тўла ва самарали фойдаланиш униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз, айниқса, қизларимизнинг спортга бўлган қизиқиши ва интилишини орттириш йўлида муҳим ўрин тутди. Ҳозирги пайтда янгитдан бунёд этилган болалар спортини объектиларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ спорт секцияларида 1 миллион 800 минг нафардан зиёд бола спорт билан шуғулланаётгани ва бунинг натижасида ҳар қайси спорт иншоотининг кундалик ўртача бандлик даражаси 9,2 соатга етгани, ҳеч шубҳасиз, фаолиятимизнинг энг муҳим самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз. Биз учун яна бир муҳим масала — бу қизларимизни ёшлигидан спортга жалб этиш, қизиқтириш билан боғлиқ бўлиб келмоқда. Эртага она бўладиган, янги инсонни дунёга келтирадиган, оила ва жамият таянчи бўладиган қизларимизни ёшлигидан спорт билан ошно этиш масаласига янада жиддий эътибор беришимиз, бу борада эскидан қолган қарашларга бутунлай чек қўйишимиз зарур. Турли, биз учун кўп жиҳатдан янги спорт турларини ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида амалга оширган ишларимиз мисолида сув спортини ривожлантиришга оид масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман. Ўтган беш йилда мамлакатимизнинг барча вилоятларида намунавий лойиҳалар асосида ҳажми 25 метрга 12 метр бўлган 14 та янги, замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилди, 13 та сузиш ҳавзаси қайтадан қурилди, 83 таси капитал таъмирланди. Шу даврда 110 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, уларнинг умумий сони бугунги кунда юртимиз бўйича 203 тага етди. Яратилган бундай кенг имкониётлар болаларнинг сув спортини турлари — сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, ватерпол билан оммавий равишда шуғулланиши учун хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтда 13 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз мамлакатимизда айни шу спорт турлари билан мунтазам равишда шуғулланаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистон спортчилари сув спортини турлари бўйича кўплаб халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда. 2012 йили Германияда бўлиб ўтган сузиш бўйича халқаро мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси 9 та олтин, 9 та кумуш ва 6 та бронза медални қўлга киритди. Ана шу беллашувларда жуда фаол иштирок этган 12 яшар Амирбек Усмонов дунёнинг наман деган давлатларидан келган тенгдошларини ортада қолдириб, 5 та олтин ва битта кумуш медални қўлга киритгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга чуқур мамнуният бағишлади. Австрия мамлакатиде ўсмирлар ўртасида сузиш бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда ҳам Амирбек беш марта олтин медал соҳиб бўлди. Ўзимизга бир фарз қилайлик, илгари ёшларимиз сув спортини бўйича бундай катта ютуқларга эриша оларимиз? Холисона тан олиб айтиладиган бўлсак, бундай ютуқ ва галабалар илгари тушимизга ҳам кирмас эди. Бундай ҳаётни фақат орзу қилишимиз мумкин эди, холос. Энг қувонарлиси, кўпчиликни ҳайратда қолдираётган бундай ёш чемпионлар қизларимиз орасидан ҳам кўплаб етишиб чиқмоқда. Мисол учун, Малайзияда ўтказилган синхрон сузиш мусобақаларида спортчи қизларимиз 4 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медални қўлга киритишди. Наманган вилоятининг ўсмирлар ва қизлар жамоалари эса ватерпол бўйича Малайзияда бўлиб ўтган халқаро беллашувда биринчи ўринларни эгаллашди. Бугун нафақат Наманган, балки бутун Ўзбекистонимиз бу қизларга ҳар қанча олқишлар айтса арзийди. Чунки бир пайтлар, Наманганда қизлар, аёллар ижтимоий фаол эмас, деган гаплар ҳам бўлган эди. Шу маънода, спортчи қизларимиз бугун эришган бундай юксак марралар, албатта, барчамизни хурсанд қилади. Маълумки, спорт оламидаги ҳар қандай ютуқ ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришилган ютуқлар — аввало, шу йўлда тинимсиз интилиб, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, айни вақт-

да шу инсонни тарбиялаб вояга етказган жамиятнинг ютуғидир. Мен ишонаман — бугун бутунлай янгича шароитларда ўсиб, камол топаётган бизнинг болаларимиз, қизларимиз бундан ҳам катта ютуқларни қўлга киритишга албатта қодир. Шунинг учун ҳам бундай истеъдодли, навқирон фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг салоҳиятини тўла рўйбга чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Мамлакатимизда катта теннис ва стол теннисини, бадий ва спорт гимнастикаси, сузиш, енгил атлетика, баскетбол, гандбол, волейбол, футбол, дзюдо, кураш ва дунё бўйлаб кенг тарқалган бошқа спорт турлари жадал ривожланиб, тобора оммавийлашиб бормоқда. Айни пайтда, юқорида айтилганидек, юртимизда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ бола 30 дан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланимоқда. Бу рақам, 2003 йилга нисбатан олганда, 1,4 баробар кўпдир. Шу даврда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоиздан 40,5 фоизга, жумладан, қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 32,5 фоизга ўсгани, албатта, ҳаммамизни қувонтиради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йиллар давомида қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ ишлар тубдан яхшиланди. Холбуки, яқин-яқингача ҳам қишлоқларда болалар спортини қандай қоникарсиз аҳволда бўлиб келгани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳолати йўқ, деб ўйлайман. Агарки рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги ўн йилда қишлоқ жойларда болаларнинг спорт билан шуғулланиши 17 мингтага кўпайди, уларнинг қарийб 17 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил этилганини айтиш лозим. Ана шу тадбирларда 10,5 миллиондан ортиқ бола, жумладан, қишлоқ жойларда яшайдиган 7,6 миллион нафар ўғил-қизларимиз иштирок этди. Шуни алоҳида айтиш керакки, юртимизда анъанавий тарзда ўтказиладиган, Олимпия ҳаракати тамойилларига тўлиқ мос келадиган уч босқичли спорт ўйинлари — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари мамлакатимиз терма жамоаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2003 йил билан солиштирганда, 1,6 баробар, жумладан, қишлоқ жойларда 1,3 баробар ўсди. Спортнинг бадий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис ва бошқа турлари билан шуғулланаётган қизлар сафи сезиларли даражада кенгайганини мамнуният билан қайд этиш лозим. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, бадий гимнастика бўйича жойларда худудий федерациялар ва марказларнинг ташкил этилгани натижасида спортнинг саломатлик учун ҳар томонлама фойдали бўлган ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сони кескин ошганини кўраемиз. Эътибор берингла, агар 2003 йилда бор-йўғи 1700 нафар қиз бола бадий гимнастика билан шуғулланган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 36 мингга етди. Энг муҳими, қизларимизнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, айни пайтда қадди-қомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини бугун ота-оналарнинг ўзлари қувонч билан таъкидлашмоқда. Болаларнинг спорт билан шуғулланишга қизиқишини янада ошириш мақсадида мамлакатимиз худудларида спортнинг кўплаб турлари бўйича мусобақалар, спорт фестиваллари, ўртоқлик учрашувлари ва ўқув-машғулот йиғинлари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Мисол учун, 2003 — 2012 йилларда 23 мингта спорт тадбири ўтказилган бўлса, уларнинг қарийб 17 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил этилганини айтиш лозим. Ана шу тадбирларда 10,5 миллиондан ортиқ бола, жумладан, қишлоқ жойларда яшайдиган 7,6 миллион нафар ўғил-қизларимиз иштирок этди. Шуни алоҳида айтиш керакки, юртимизда анъанавий тарзда ўтказиладиган, Олимпия ҳаракати тамойилларига тўлиқ мос келадиган уч босқичли спорт ўйинлари — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари мамлакатимиз терма жамоаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Наврўз — асрий қадриятларимиз гулдастаси, ҳаётимизни янгича маъно ва мазмун билан бойитадиган байрам. Бу қутлуғ айём бугунги бахтли, дориламон кунларимизга ҳамоҳанг, унинг шавқу сурури айни ҳаётимиздек мафтункор.

Кўнгилларни гўзалликка ошно этган байрам шуқуҳи халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан пай-ваस्ता бўлаётгани кишини беҳад қувонтиради. Ахир қувонмай бўладими? Дунёда ўз ўрни, нуфузига эга обод ва озоод мамлакатда яшаймиш. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Эртанги кунимиздан кўнгилмиз хотиржам, оилаларимиз фаровон. Фарзандларимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмади камол топиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилмоқда. Янги корхоналар ишга тушириляпти. Автомобиль ва темир йўллари, кўприклар, хибёнлар, дам олиш масканлари, ши-

фохона, коллежу лицейлар, мактаблар бунёд этилаётди. Буларнинг барчаси халқимизга, унинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Истиқлол йилларида юртимизнинг барча жойларида бўлганидек, Хоразм вилоятида ҳам бири-биридан кўрам иншоотлар, кенг ва раван йўллар қурилди, боғлар яратилди. Урганча шу кунларда ташриф буюрсангиз, бекиёс янгилишлардан, ўзгаришлардан ҳайратланишингиз табиий. Шаҳарнинг бош майдони, янгидан

бунёд этилган ал-Хоразмий кўчаси, Урганч темир йўл вокзалнинг кўрки ҳар қандай меҳмоннинг диққат-эътиборини ўзига тортади. Еки энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган "Ўзтех Шовот" каби ўнлаб қудратли корхоналар, уларда

янгилишлар билан яқиндан танишдилар, бир-бирлари билан дийдорлашиб, болалари, неварачевараларининг ўқишда, ишда эришяётган ютуқлари, ўтказилган тўю томошалар, дориламон кунлар ҳақида мирижи гурунглашдилар. Нурунийларимиз кейинги

Айни кунларда воҳанинг ҳар бир кўчаси, хиёбони, маҳалласида қурилиш, ободонлаштириш ва кўаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. Ҳар бир хо-надон ва маҳаллани саранжом-сарашта этишдек ташаббуслар умумхалқ тадбирларига, ҳашар-

чилик ишларида қатнашяётганларнинг иштиёқидан завқ оласиз. Айниқса, Урганч шаҳрида амалга ошириляётган ишлар барчанинг эътиборини тортаяпти. Негаки, бугун шаҳарда кўчаларни кенгайтириш, янги замонавий кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий-иқтисодий иншоотлар барпо этиш ишлари жадал олиб бориляпти. Бу кўчаларда янги ариқлар қозиш, кўчат ўтказиш, ободонлаштириш юмушлари қурилиш ишлари билан уйғун равишда давом эттириляпти.

Ободлик кўнгилдан бошланади

меҳнат қилаётган бахтиёр ёшларни кўрган кишининг ҳаваси ортиши, шубҳасиз. Ушбу бунёдкорликлар меҳнаткаш халқимизнинг азму шижоатини, юксак мақсадларини, буюқ орзуларини бутун дунёга баралла намён этиб турибди. Яқинда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан 350 нафар меҳнат фахрийси, мўътабар отахон ва онахонларни воҳамиз бўйлаб саёҳатга олиб чиқдик. Улар вилоятда бўлаётган бунёдкорликлар,

қисқа вақт мобайнида барпо этилган иншоотларни кўриб, завқланганликларини билдирдилар. Амударё устига қурилган иккита кўприкни кўриб, бир замонлар у кирғоқдан бу қирғоққа ўтиш учун қанча заҳмат чекишганини эсладилар. Бундай бунёдкорликлар халқимиз салоҳиятидан, юртимиз қудратидан, эл-юрт фаровонлиги йўлида қилинаётган ишлар янада авж олишидан далолат эканини айтиб, Юртбошимизга мингдан-миг раҳмат дейишди.

ларга айланб кетди. Бир-биридан ибрат олиб, яхши ният билан кўчат ўтказяётган, ободон-

Айни пайтда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида Наврўз таровати кезмоқда. Элимизнинг қадимий байрами шуқуҳи юртдошларимизнинг қалбига эзгулик уруғини қадаб, яхши ният, пок тилаклар билан яшаб, меҳнат қилишга ундамоқда. Наврўздан диллари яйраган ҳамюртларимиз бугун хонадонларининг фаровонлиги, юртимиз ободлиги йўлида бунёдкорликнинг янги марраларига чоғланмоқдалар.

Бақодир БОБОЖОНОВ, «Нуруний» жамғармаси Хоразм вилояти бўлими Кенгаши раиси.

24 соат ичида Германиянинг "Lufthansa" авиаконаняси ўтган йилни 524 миллион евро миқдордаги даромад билан якунлади. Бу бир йил аввалги натижадан 36 фоиз камдир.

Ислохотларни амалга оширади Ушбу ҳолат харажатлар ортиб кетгани билан изоҳланмоқда. Эндиликда Германия авиаташувчиси фаолиятига доир бир қатор ислохотларни амалга оширмоқчи.

Фаолияти самарали бўлди Испаниянинг кийим-кечаклар савдоси билан шуғулланадиган бир қатор тармок дўконлари муассиси — "Inditex" компанияси якунланган йилда ижобий натижага эришди. Қўрилган фойда 2,4 миллиард евро ни ташкил этди. "Inditex" таркибига дунёга машхур "Zara", "Bershka" ва "Massimo Dutti" брендлари остидаги савдо дўконлари кирди. Европадаги қалтис вазиятга қарамай, компания ишлаб топган маблагнинг 45 фоизи "кўҳна қитъа"даги савдо нуқталари ҳиссасига тўри келган. Осиёда бу кўрсаткич 16, Шимолий ва Жанубий Америкада эса 20 фоизни ташкил этган.

Янги телефон тақдимоти Жанубий Корёянинг "Samsung" компанияси "Galaxy" русумидаги янги "Galaxy S4" смартфонни ўтказди. Ушбу мобиль алоқа воситаси анча такомиллаштирилган. Хусусан, у "Smart Scroll" ва "Smart Pause" каби қўшимча функциялар билан бойитилди. Булар телефонни кўз ҳаракати билан бошқариш имконини беради. Экран эса диагоналига 4,8 дюмдан 5 дюмга катталаштирилди. Экспертлар фикрича, "Samsung"нинг маъмур маъсулоти "Apple" компанияси томонидан тайёрланган iPhone 5 смартфонлари билан рақобатлашиши мумкин.

«ХУМСОН САНАТОРИЙСИ» унитар корхонаси 2 қаватли бош ётоқ биносида капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун тендер эълон қилади. Капитал таъмирлаш учун жами 571 052 136 сўм ажратилаётганлигини маълум қиламиз. Тендерда қатнашиш истагини билдирган ташкилот ва корхоналар куйидаги маълумот билан: «Хумсон санаторийси» унитар корхонаси маъмуриятига мурожаат қилишлари мумкин. Алоқа учун телефонлар: (8-370) 743-71-41, мобиль алоқа (+99890) 317-10-12, 370-40-46, 315-05-61.

Буюқ аждодларимиз мероси Лондон кўргазмасида

Британия кутубхонасида Жанубий Осиё минтақасида 300 йилдан зиёд давр мобайнида ҳукмронлик қилган Бобурийлар сулоласининг тарихига бағишланган кўргазма очилди. Унда ҳозирги Афғонистон, Бангладеш, Покистон ва Хиндистон худудларини қамраб олган буюқ салтанат тарихининг турли давлари ўз аксини топган.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Захириддин Мухаммад Бобурийнинг ҳаёти, ижоди ва ҳукмронлиги даври кўргазманинг асосий мавзуси ҳисобланади. Маълумки, тарихда жасур саркарда, одил ҳукмдор сифатида ном қозонган Бобур илм-фан ва санъат ҳомийси, бой адабий ҳамда илмий мерос қолдирган бетакрор шоир, олим ҳам эди. Унинг бебаҳо маънавий мероси бугунги кунда АҚШ, Афғонистон, Буюқ Британия, Германия, Италия, Покистон, Словакия, Франция, Чехия, Хиндистон сингари мамлакатларнинг Шарқшунослик марказларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Кўргазмада маълумот берилганидек, Бобурийнинг илмий ва машхур асари — "Бобурнома" 1493 — 1529 йилларда содир бўлган воқеаларни ўзида мужассамлаштирган

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Қувасой шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 3 майдаги 12-03/9508-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Имкон ЛТД» Ҳ/Ғга тегишли, Қувасой шаҳри, «Сойбўйи» МФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган металл чиқиндиларини қайта ишлаб, саноат-қурилиш моллари ишлаб чиқариш цехи бино ва иншоотлари кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 230 758 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 19 апрель кунини соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси жамоаси бунёдкор халқимизни эзгулик байрами — Наврўз айёми билан табриклайди! Чехрангиз ҳамisha баҳор кўёшидай тарагон, кайфидийнингиз доимо кўтаришкни бўлишини истаймиз! Баргага тинчлик-хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ, омонлик тилаймиз! Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ кафедралар бўйича бўш лавозимларга танлов эълон қилади. (2013 йил март ойига) Доцентлар: Саноат иқтисодиёти, Иқтисодий педагогика, Эконометрика, Давлат молияси ва солиқлар, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, Статистика, Банк иши ва корпоратив молиялар. Катта ўқитувчилар: Иқтисодиёт назарияси, Саноат иқтисодиёти, Макроиқтисодиёт, Давлат молияси ва солиқлар, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, Иқтисодиётда ахборот тизимлари, Эконометрика, Ижтимоий соҳалар менежменти, Менежмент, Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш, Маркетинг, Иқтисодий педагогика, Банк иши ва корпоратив молиялар, Жаҳон тиллари, Жисмоний маданият ва спорт, Инглиз тили. Ассистентлар: Меҳнат ва ижтимоий соҳа иқтисодиёти, Бухгалтерия ҳисоби, Иқтисодий таҳлил ва аудит, Иқтисодиётда ахборот тизимлари, Банк иши ва корпоратив молиялар, Фалсафа. Ўқитувчилар: Инглиз тили, Жаҳон тиллари. ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН КУЙИДАГИ ҲУҲЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ: ректор номига ариза; ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (бошқа ташкилотлардан танловда қатнашишга ариза берганлар учун); олий маълумоти, илмий даражаси, илмий ўнвони ҳақидаги аттестат нусхалари (бошқа ташкилотлардан танловда қатнашишга ариза берганлар учун); илмий ишлари рўйхати; малака оширганлиги ҳамда қайта тайёрловдан ўтганлиги ҳақидаги дипломлар ва сертификатлар; охириги 5 йилда амалга оширган педагогик фаолияти ҳақида ҳисобот; кафедра муҳокамасидан кўчирма. Аризалар қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 49-уй. ТДИУ, Ходимлар бўлими. Телефонлар: (8-371) 232-63-75, 239-28-67.

Қорхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққати! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ куйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади: аёлларнинг оқ рангли энги узун ва калта кўйлаклари, аёлларнинг денгиз тўлкини тусли энги узун ва калта кўйлаклари, денгиз тўлкини тусли галстуклар, аёлларнинг иссиқ тутадиган этиклар, туфиллари, ИПХ ходимлари учун нур қайтарувчи жилетлар, пистокчи рангли (защитный цвет) Д-13 мм.ли юлдузчалар, 10x45 мм.ли металл пластиналар, милиция ходимлари учун кокардалар, пистокчи рангли аскарча кокардалар, пистокчи рангли умумқўшни эмблемалари, Д-13 мм.ли заррин юлдузчалар, 14 мм.ли зарҳалланган латун тугмалар, Д-22 мм.ли заррин юлдузчалар, денгиз тўлкини рангли «IV» шевронлари, «соя» рангли камуфляж «IV» шевронлари, денгиз тўлкини рангли «QQ» шевронлари, «қум» рангли камуфляж «IV» шевронлари, денгиз тўлкини рангли «Академия» шевронлари, офис техникаси учун зичлиги 80гр/м², А4 форматдаги, тўпламида 2,5 кг. бўлган офсет қоғози. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Талабгорлардан танловда қатнашиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб ўн иш кунини давомиди қабул қилинади. Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: (8-371) 281-43-73.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, меҳнат фахрийси Барно РАЖАБОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, профессор Пўлат НОСИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси жамоаси «Фозгон-мармар» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Шавкат Байрамович РАҲМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



«АСАКА»

ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
(ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ)
ЖАМОАСИ

сизларни Наврўз байрами билан табриклайди ва қуйидаги
миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«НАВРЎЗ – 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб,
ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати
туганидан сўнг берилади.

Мазкур омонат турини банкнинг
барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банки (ОАЖ)
филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз
Фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- микдори чекланмаган.

Филиаллар

Тошкент шаҳри филиали
«Автотранспорт» филиали
Шайхонтохур филиали
Юнусобод филиали
Сергели филиали
Тошкент вилояти филиали
Андижон вилояти филиали
Асака филиали
«Фарҳод» филиали
Фарғона вилояти филиали
Марғилон филиали
Олтиариқ филиали
Кўкон филиали
Наманган вилояти филиали
Навой вилояти филиали
Зарафшон филиали
Бухоро вилояти филиали
Бухоро шаҳри филиали
Самарқанд вилояти филиали
«Афросиёб» филиали
Қашқадарё вилояти филиали
Сурхондарё вилояти филиали
Қорақалпоғистон филиали
Хоразм вилояти филиали
Сирдарё вилояти филиали
Жиззах вилояти филиали

Код Телефон

(8-371) 120-83-13
(8-371) 120-39-95
(8-371) 140-39-36
(8-371) 221-80-67
(8-371) 258-67-49
(8-371) 120-84-13
(8-374) 224-40-96
(8-374) 233-13-69
(8-374) 226-97-53
(8-373) 224-70-83
(8-373) 237-12-37
(8-373) 432-10-11
(8-373) 552-61-04
(8-369) 226-94-75
(8-436) 223-54-32
(8-436) 573-18-78
(8-365) 223-71-94
(8-365) 770-11-27
(8-366) 231-08-86
(8-366) 221-77-56
(8-375) 221-12-93
(8-376) 770-82-12
(8-361) 770-60-59
(8-362) 226-97-78
(8-367) 225-44-03
(8-372) 226-43-11

«Асака» банки (ОАЖ)

сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

«ЎЗСООВЕТТАЪМИНОТХИЗМАТ»

РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
жамоаси

таълақатиниз аҳлини

Наврўз

байрами билан
қўтлайди!

Барчангизни
хўшқайфият,
кўнгли хотиржамлиги
тарқ этмасин!
Хонадонларингиз тинч,
ризқ-насибангиз
бўтич бўлсин, азизлар!



«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

очик акциядорлик жамияти
жамоаси

азиз ватандошларимизни

Наврўзи олам

билан сажимий
муборакбод этади!

Байрам нафаси дилларимизга баҳорий илқлик,
хонадонларимизга файзу барака, озод ва обод юртимизга
фаровонлик олиб келсин!



KAFOLAT

davlat-aksiyadorlik
sug'urta kompaniyasi (OAJ) жамоаси

барча юртдошларимизни баҳор
ва янгилаш байрами —

Наврўзи олам

билан чин қалбдан
табриклайди!

Барчангизга баҳорий кайфият
ва мустаҳкам соғлиқ,
тинчлик ва хотиржамлик
тилайди!

Халқимиз турмуши
обод бўлиши йўлида олиб
бораётган эзгу
ишларингизда омад
ва зафарлар ёр бўлсин!

БАРЧА ТУРДАГИ СУГУРТА ХИЗМАТЛАРИ

Манзил: 100017, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, Б.
Тел: (+99871) 239-48-81. Факс: (+99871) 239-46-40.
Веб-сайт: www.kafolat.uz E-mail: info@kafolat.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 474 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўғлолар 232-11-15.

Тахриятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахрият жавобгар эмас.
Газета тахрият компьютер марказида терилди ҳамда
оператор Ж. Тогаев
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.20 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5